# Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 22-fevral, payshanba 21 (8884)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz


## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ ВА ИМПОРТНИ ҚИСҚАРТИРИШ РЕЖАСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 февраль куни импорт ҳажмини қисқартириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишларини таҳлил қилиш, бу борадаги энг муҳим вазифаларни белгилаб олишга бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Маълумки, 2017 йил 19 апрель куни шу масалада видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган ва унда маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ҳисобидан импорт ҳажмини ошириш ва турларини мақбуллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Шунга мувофиқ, ўтган йили муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 9,9 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 512 миллион долларлик ёки 2016 йилга нисбатан 20 фоиз кўп маҳаллийлаштирилган маҳсулот экспорт қилинди. 100 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани, базавий тармоқларда импорт 353 миллион долларга қисқартирилгани ҳам бу борадаги ишларнинг ижобий натижалари бўлди.

Давлатимиз раҳбари Маҳаллийлаштириш дастури ва импортни қисқартириш режаси ижросини чуқур таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни танқидий баҳолади. 2017 йилда 948 та маҳаллийлаштириш лойиҳасидан 176 таси бўйича ишлаб чиқариш бошланмагани, 218 таси бўйича эса ишлаб чиқариш прогнози бажарилмагани кўрсатиб ўтилди.

Масалан, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 77 та лойиҳаси бўйича 206 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмаган. "Ўзбекозиқовқатхолдинг" томонидан 12 та, "Ўзавтосаноат" томонидан 17 та, Тошкент шаҳрида 65 та, Тошкент вилоятида 65 та лойиҳа етарли даражада бажарилмаган.

Импортни қисқартириш режаси 88 фоизга бажарилгани қайд этилди. "Ўзагротехсаноатхолдинг"да бу режа атиги 3 фоиз, "Ўзпахтасаноат"да 30 фоиз бажарилгани танқид қилинди. Жорий йил январь ойида мамлакатимиз бўйича импорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 403 миллион долларга ошгани сабаблари атрофлича таҳлил қилинди.

Президентимиз шу каби камчилик ва сусткашликлар юзасидан мутасадди раҳбарлардан изоҳ сўради. Жумладан, Ўзбекистонда бир йилда озиқ-овқат импорти унинг экспортидан 1,5 баробар кўп бўлгани танқид остига олинди.

Йиғилишда бир қатор хўжалик бирлашмалари томонидан ўз фаолиятига мос бўлмаган ёки мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган товарларни импорт қилиш ҳолатлари камайиш ўрнига кўпаяётгани қайд этилди. 2017 йилда 185 миллион долларлик, жорий йил январь ойида эса 65 миллион долларлик шундай маҳсулотлар импорт қилинган.

Масалан, ўтган йили "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси томонидан 9 миллион долларлик светодиод чироқлар, прожекторлар ва бошқа товарлар, "Ўзбекнефтгаз" тизимига 2 миллион долларлик пўлат қувур, кабель, иситиш қозони, электродлар, "Ўзбекэнерго" томонидан 800 минг долларга пўлат сим ва енгил автомобиль олиб келинган.

Йиғилишда шу ва бошқа саноат тармоқларида ускуна ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Тармоқлар учун зарур ускуналар ва тез ишдан чиқувчи бутловчи қисмларни мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тўғрисида 10-15 йилдан буён гапирамиз. Лекин ташаббус ва амалий ҳаракат йўқ. Бир қатор соҳа раҳбарлари маҳаллийлаштиришни ўйламаяпти, зарур маҳсулотни осонгина четдан келтириб қўя қолянпти. Бунга ҳозирги рақобат шароитида машаққат билан топилаётган, иқтисодиётнинг таянчи бўлган валюта маблағлари сарф бўлиб кетмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш учун берилган солиқ ва божхона имтиёзларининг натижадорлиги ҳам таҳлил қилинди.

Айрим товарлар бўйича божхона тўловлари асоссиз тайинлангани натижасида юртимизда ишлаб чиқарилган баъзи товарлар нархи импорт баҳосидан юқори бўлмоқда. Масалан, тўқимачилик саноати учун импорт қилинадиган тайёр ускуналар барча божхона тўловларидан озод этилган. Аммо шу ускунани ишлаб чиқариш учун бутловчи қисм импорт қилинадиган бўлса, 20 фоизлик қўшимча қиймат солиғи тўланади.

Солиқ имтиёзларида ҳам шу каби номукаммалликлар мавжуд. Шу боис 2018 йил 1 апрелдан бошлаб, маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича имтиёзлар тўхтатилади. Энди ҳар хил нопок корхоналарнинг Маҳаллийлаштириш дастурига кириб, солиқ тўлашдан қочишига имкон бўлмайди. Маҳаллийлаштириш дастурига иқтисодиёт учун ҳақиқатан зарур бўлган лойиҳалар киритилиб, қатъий назоратга олинади.

Йиғилишда Президент соҳадаги камчиликларни бартараф этиш, маҳаллийлаштиришни ривожлантириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб берди.

Иқтисодиёт ва Ташқи савдо вазирликларига пишиқ-пухта ишланган янги Маҳаллийлаштириш дастурини шакланитириш бўйича топшириқ берилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган, рақобатбардош нархда маҳаллийлаштириш имкони бўлмаган айрим бутловчи қисмларни импорт қилишда божхона тўловларини бекор қилиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш зарурлиги таъкидланди.

Йирик корхоналар ва кичик бизнес учун ускуналар, тез ишдан чиқувчи қисмлар, штампланган маҳсулотлар, кичик гидрогенераторлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди. Шунингдек, қўшимча 16 минг тонна гранула ишлаб чиқариб, ички бозорга етказиб бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк ва хўжалик бирлашмалари раҳбар ва масъул ходимларидан иборат таркибда Импорт ҳажми ва таркибини тизимли равишда таҳлил қилиш асосида янги маҳаллийлаштириш қувватлари ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузиш вазифаси қўйилди.

Маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида айрим товарлар бўйича божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш юзасидан топшириқ берилди.

Асосий мақсадимиз, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун, аввало, иқтисодиётимиз рақобатбардош бўлиши, маҳсулотлар юртимизда ишлаб чиқарилиши зарур. Барча раҳбарлар шундан қатъий хулоса қилиб, зиммасидаги вазифаларга муносабатини тубдан ўзгартириши ва масъулиятни ошириши керак.

**ЎзА**

## ИККИ ЮЗ ЭЛЛИК НАФАР ЁШЛАР ИШЛИ БЎЛДИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

***Нукусда келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган миллий маҳсулотлар кўргазмаси ҳамда меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.***

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар қатнашди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратиш, касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбир доирасида ёш тадбиркорлар, ҳунармандлар ва фермерлар томонидан етиштирилган миллий маҳсулотлар ярмаркаси бўлди. Шунингдек, фермерлар томонидан мактабгача таълим ҳамда даволаш муассасаларига арзон нархларда маҳсулотлар етказиб бериш бўйича ўзаро шартномалар имзоланди.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши таклифи билан 30 нафар ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерга энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача бўлган суммада имтиёзли кредит олиш имконини берувчи махсус сертификатлар топширилди. Бундан ташқари, турли соҳа ва тармоқларда салмоқли натижа ва ютуқларга эришаётган ёшларга 11 та "Дамас", 4 та "Спарк" автомашинаси имтиёзли кредит асосида берилди.

Меҳнат ярмаркасида вазирликлар, корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркорлар ва фермерлар ўзларида мавжуд мингга яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир давомида 550 нафар ёшга йўлланма берилган бўлса, 250 нафар ёш ишга жойлашди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязов иштирок этди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ – АМАЛДА**

## МАНАСДА АҲОЛИНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

*"Обод қишлоқ" дастури доирасида Жиззах вилоятининг Дўстлик туманидаги Манас қишлоғини ободонлаштириш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.*

Мамлакатимизда барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад халқимиз талаб ва эҳтиёжларини таъминлаш, одамларни рози қилишдан иборатдир. Бу олижаноб мақсад йўлида амалга оширилаётган залворли ишлар кўлами кундан-кун ортиб, янги маъно ва мазмун касб этмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳаётга жорий этилаётган навбатдаги янги ташаббус – "Обод қишлоқ" дастури, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда яшаётган юртдошларимиз ҳаётида чин маънода янги саҳифа очишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати бошчилигида барча вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ томонидан Дўстлик туманидаги қишлоқ ва маҳаллаларнинг ижтимоий аҳволи ўрганиб чиқилди. Ҳар бир маҳалла, кўча ва хонадоннинг ҳолати, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш давомида "Обод қишлоқ" дастурини амалга ошириш намунаси сифатида вилоят марказидан 70 километр узоқликдаги Манас қишлоғининг танлангани бежиз эмас.

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг дастлабки даврида вилоятнинг энг чекка ҳудудида барпо этилган Манас қишлоғидаги 1 минг 45 хонадонда олти миллат вакилларидан иборат 6 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳолисининг асосий фаолияти деҳқончилик бўлган қишлоқда инфратузилма иншоотлари, кўча ва йўллар, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик таъминоти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги одамлар учун жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда.

Ишчи гуруҳ томонидан қишлоқдаги муаммолар ўрганилиб, бу ерда аҳолининг яшаши учун муносиб турмуш шароити яратиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режаси белгиланди ва бажаришга киришилди. Чора-тадбирлар режаси асосида вазирликлар, идоралар, уларнинг вилоят ва туман ташкилотлари томонидан қишлоқ болаларининг таълим-тарбия олиши учун зарур шароитлар яратиш, аҳолини тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардан хабар олиш, уларни энг зарур саккиз турдаги маҳсулотлар, дори-дармон ва ногиронлик аравачалари билан таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уй-жойлар, йўлларни таъмирлаш, ободонлаштириш, шахсий томорқадан самарали фойдаланиш, иссиқхоналар ташкил этиш учун банк кредити ажратиш каби долзарб ишлар қисқа муддатда амалга оширилмоқда.

Бугун Манасда улкан умумхалқ ҳашарининг яратувчилик руҳи ҳукмрон. Қишлоққа қурилиш ашёлари, аҳолига зарур маҳсулотлар ва буюмлар, дори-дармон, уй-рўзғор жиҳозлари юкланган атомашиналар узлуксиз келиб турибди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, йирик ишлаб чиқариш корхоналари, тижорат банклари вакиллари қишлоқ фаоллари билан ҳамкорликда кўча ва йўллар, ижтимоий иншоотлар, уй-жойларни таъмирламоқда, ҳудудни ободонлаштирмоқда.

– Инсон бахтли ҳаёт кечириши учун, аввало, яшаш жойида муносиб шароит бўлиши керак, – дейди "Манас" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жалил Кенжаев. – Шу маънода, қишлоғимиз бугунги тараққиёт мезонларидан анча ортда, одамларнинг яшаш тарзи, ижтимоий иншоотларнинг камлиги юртимизнинг умумий манзарасига сира ярашмай турган эди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, янгиланишлар бизнинг қишлоғимизга ҳам етиб келгани одамларнинг руҳини кўтарди. Уларда бугунги турмушини яхшилаш учун ҳаракатга рағбат, эртанги кунга, келажакка ишонч уйғотди. Ҳар бир хонадон, кўча, мактаб, тиббиёт масканини замонавийлаштиришга қаратилаётган эътибор одамларни ҳаётдан рози бўлиб яшашга руҳлантириб, давлатга ишончини мустаҳкамламоқда.

Қишлоқ оқсоқоли билдирган бу фикрни бугун манасликларнинг барчасидан эшитиш мумкин. Ким билан гаплашманг, "Обод қишлоқ" дастурининг туб моҳияти қишлоқларда кўп йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилганини таъкидламоқда.

– Умримда биринчи марта ҳукумат вакиллари оиламизнинг аҳволи билан танишиб, шароитимизни яхшилашга ёрдам берди, – дейди II гуруҳ ногирони Давлат Ўзбеков. – Яшаб турган уйимнинг қурилишини битиролмай қийналаётган эдим. Икки кунда уй томини шиферлаб, эшик, ром ўрнатиб беришди. Тўғриси, ҳаётимизда бундай ўзгаришлар бўлишини кутмаган эдик. Демак, давлат биз ҳақимизда, ҳар бир фуқаро ҳақида ўйлаяпти, ҳаётини яхшилашга ҳаракат қиляпти. Бундай эзгу ташаббуснинг бошида турганлардан беҳад миннатдормиз.

Турли вазирликлар, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари уйма-уй юриб ўтказаётган мулоқотларда муаммолар эшитилиб, уларни жойида ҳал этиш чоралари кўрилаётир. Аёлларни тадбиркорлик, уй меҳнатининг турли шаклларига жалб этган ҳолда, уларнинг бандлигини таъминлаш билан бирга, хонадонлардаги саранжом-саришталик, фарзандлар тарбияси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Манасга келин бўлиб тушган Чортоқ кўчасида яшовчи Нилуфар Набиева паспортини алмаштиришда муаммога дуч келаётган эди. Унинг мурожаати ижобий ҳал этилди. Шу хонадонда яшовчи 67 ёшли Элдор Набиев тегишли ҳужжатларни вақтида тақдим қилолмагани учун ҳозиргача пенсия ололмай келган. Энди у пенсия оладиган бўлди.

Хонадонларга кўрсатилаётган кўмак ҳар бир оиладаги тўрт-беш кишини хурсанд қилаётган бўлса, кўча ва йўллар, газ, сув, электр тармоқларидаги, мактаб ва боғчалардаги таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари юзлаб одамларнинг оғирини енгил қилиб, ҳаётдан мамнун этмоқда. Жумладан, хоналар кўмир билан иситилиб, овқат санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган қўлбола ўчоқда тайёрланадиган 17-мактабгача таълим муассасасида ошхона учун алоҳида хона тайёрланиб, газ баллонлари учун махсус темир қути, иккита замонавий газ плитаси ўрнатилди. Бундай ишлар қишлоқдаги иккита умумтаълим мактабида ҳам амалга оширилмоқда.

Қишлоқ кўчаларига тошшағал ётқизиб, асфальт қилишга тайёрланмоқда. Қишлоқда электр энергияси билан боғлиқ муаммолар ечимига ҳам эътибор қаратилаётир. Электр узатиш тармоқларида модернизация ва реконструкция ишлари олиб борилиб, яроқсиз ҳолга келган устун ва симёғочлар янгисига алмаштирилмоқда.

– Чўл ўзлаштирилган дастлабки йилларда бу ерларда яшаш осон бўлмаган, – дейди меҳнат фахрийси 80 ёшли Ориф Қулчиқов. – Мамлакатимизда кейинги йилларда бўлаётган ўзгаришларга таққосланса, бугун ҳам шароитимиз бошқалардан анча орқада. Аммо ота-болалари ертўла ё чайлада яшаб, чўлни ўзлаштирган инсонлар авлоди бундан яхшироқ яшашга муносиб. Яратганга шукрки, Президентимизнинг халқимиз ҳаётини яхши билиши, куюнчаклиги туфайли юртимизда бошланган янгиланиш, ободлик бизнинг қишлоғимизга ҳам етиб келаётир. Бизнинг қишлоғимизда ҳам одамлар ҳаётини яхшилаш ишлари бошланди. Яхши ниятлар билан бошлаган барча ишларимиз хайрли бўлсин.

Ҳа, бугун қишлоқда одамларнинг ҳайратланишига, қувонишига сабаб бўлаётган том маънодаги тарихий ишлар қилинмоқда. Унинг қамрови ва суръатини кўрган киши яқин кунларда Манаснинг кечаги қиёфасидан асар ҳам қолмаслигига тўла амин бўлади. Бу давлатимиз раҳбарининг халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак, деган фикрларининг амалдаги ифодасидир.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Истиқболли тармоққа эътибор**
Қорақўлчиликда ўзига хос йўналиш дастури ишлаб чиқилади.

**Агросаноат имкониятлари**
«Хомашёдан тайёр маҳсулотгача» тамойили асосида.

www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz

«Qishloq hayoti»
2018-yil 22-fevral, payshanba **21 (8884)-son**

# Бухоро қорақўлининг шуҳрати тикланажак

**БУХОРО** ВИЛОЯТИ

**Бухоро қорақўли... Тарих зарварақларида ҳам ўз аксини топган, инсоннинг меҳнати ҳамда табиатнинг мўъжизаси билан яратилган беқиёс гўзалликнинг бир тимсоли. Бухоро қорақўли қадимдан бетакрор жиҳатлари – нақшдорлиги, момиқлиги, енгиллиги ва камалак тусда товланиб туриши билан дунё аҳлини ўзига ром этган.**

Табиатнинг бу мўъжизаси ҳақида қатор ривоятлар яратилган. Аксарият маълумотларда бундай терилар фақатгина Бухоро вилоятининг Зарафшон воҳаси ҳудудида учраши таъкидланади. Бунинг сабаби эса воҳа тупроғининг таркибида қимматбаҳо металл – олтин борлиги билан изоҳланади. Яна бир ривоятда Зарафшон дарёси суви таркибида тилла – зар оқиб келиши, ундан озиқланган гиёҳларни еган ва шу сувдан ичган қорақўл қўйларигина шундай қўзилар туғиши мумкинлиги айтиб ўтилган.

Эҳтимол, булар шунчаки ривоятдир. Аммо нима бўлганда ҳам юртимизда табиат инъом этган ана шундай бойлигимиз борлигидан гурурланамиз. Воҳа қўйчивонлари ва соҳа мутахассисларининг асосий вазифаси эса сердаромад тармоқ – қорақўлчиликни замон талаблари даражасида тараққий эттириш, унинг шуҳратини қайта тиклашдан иборат.

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида жорий йилнинг 16-17 февраль кунлари вилоятимизда бўлган кезлари Бухоро қорақўлининг шуҳратини қайта тиклаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди. Бу соҳа мутахассисларию бепоён саҳролар бағрида сурув ортидан юрган чўпон-чўлиқларнинг кўнглидаги гап бўлди. Айниқса, Президентимизнинг Бухоро қорақўли воҳа тарихининг ажралмас қисми эканлигини таъкидлаб, соҳани ривожлантириш мақсадида йўқолиб бораётган наслчилик ва бой тажрибаларни қайта тиклаш, чўпон ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, уларни зарур техника воситалари билан таъминлаш, қорақўлчилик соҳаси учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ва жамғарма ташкил этиш, қорақўл териларини қайта ишлашга ихтисослашган завод ва жун маҳсулотларини қайта ишлаш кластерини ташкил этиш борасида берган кўрсатмалари соҳанинг келгусидаги истиқболини белгилаб бериши турган гап.

Айни кунда уюшмамиз таркибидаги 7 та қорақўлчиликка ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятлари тасарруфидаги яйловларда юз минг бошдан ортиқ қорақўл қўйлари боқилмоқда. 2017 йили 700 тонна гўшт, 200 тонна жун, 21 минг дона қорақўл тери ишлаб чиқарилди.

Ўтган йиллар давомида соҳа мутахассислари ва илмий муассасалар ҳамкорлигида вилоятда қорақўлчилик тараққиётига хизмат қиладиган бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари билан биргаликда олиб борилган изланишлар натижасида Жондор туманида Қизилқум чўлларининг жануби-ғарбий ҳудудларига мослашган юқори маҳсулдорликка эга "Бухорои Шариф" номли завод типидаги бир неча харидоргир қорақўл терилари яратишга эришилди. Айни кунда ушбу типдаги тур қўчқорларидан Бухоро сур типидаги қўйларни урчитиш орқали жаҳон мўйна бозорида харидоргир ва қимматбаҳо бўлган ясси қовурғасимон қалам гули гуруҳига кирувчи юпқа ва енгил, кумуш ва тилларанг терилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Чўпон-чўлиқларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида уларнинг яшаш ҳудудларини электрлаштириш, замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш, отарлардаги сув қудуқларини таъмирлаш каби ишлар ҳам шулар жумласидандир.

Аммо бу каби саъй-ҳаракатлар сўнгги йилларда соҳага етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли анча оқсаб қолган Бухоро қорақўлининг шуҳратини қайта тиклаш учун етарли эмас. Президентимиз айтиб ўтганларидек, қорақўлчилик соҳасида воҳанинг ўзига хос ва моё йўналиш дастурини ишлаб чиқиш лозим. Бу жараёнда юқори маҳсулдорликка эга қорақўл қўйлари отарларини яратишдан тортиб, улардан олинадиган маҳсулотларни замонавий технологиялар асосида қайта ишлаш ва жаҳон бозорига олиб чиқиш масалаларида тўлиқ илмий асосланган ёндашув ўз аксини топиши зарур.

Яна бир гап. Жун – қорақўл қўйларидан олинадиган ҳамда қайта ишлаш саноати ва ҳунармандчилик йўналишларида фойдаланиладиган қимматбаҳо хомашё саналади. Ундан тайёрланадиган табиий ва ҳар жиҳатдан фойдали тайёр маҳсулотларнинг ички ва ташқи бозорда нақадар харидоргир эканлиги ҳаммамизга маълум. Шундай бўлишига қарамасдан, кейинги йилларда мамлакатимизда бу турдаги хомашёни қайта ишлашга етарлича эътибор қаратилмади. Натижада жун етиштириш қорақўлчилик хўжаликлари учун иқтисодий самарасиз ҳолга келиб қолди. Ташриф чоғида тақдимоти бўлиб ўтган йилига 1500 тонна қўй жунини саноат усулида қайта ишлаш ва ундан 100 минг дона одеял ишлаб чиқариш қувватига эга яхлит тизимнинг ташкил этилиши қорақўлчилик хўжаликлари ва уй шароитида бу турдаги ҳайвонларни парваришлайдиган аҳолининг реал даромадларини оширишда муҳим омил бўлади.

Сир эмаски, қорақўлчилик соҳасининг барқарор ривожланиши яйловлардан самарали ва оқилона фойдаланишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Давлатимиз раҳбарининг қорақўл қўйлари боқиладиган яйловлар деградацияси, яъни уларнинг емирилиш ва чўлланиш даражасини камайтириш, суғориш тизимларини жорий этиш борасидаги кўрсатмалари ҳам соҳа мутахассисларини беҳад қувонтирди. Шубҳасиз, келгусида яйловларнинг табиий хилма-хиллигини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Президентимизнинг вилоятга ташрифи биз, қорақўлчилар учун ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиб берган сафар бўлди. Ўйлаймизки, яқин келажакда қорақўлчилик тармоғи ҳам аграр соҳанинг сердаромад тармоқларидан бирига айланади. Бунинг учун воҳа қўйчивонларида тармоқни ҳар томонлама тараққий эттириш учун етарли тажриба ва малака бор.

**Неъмат МАМАРИЗАЕВ,**
**Бухоро "Қорақўл" уюшмаси раиси.**

*Миллий матбуот марказида Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан "Минерал хомашё ва қимматбаҳо қазилма бойликлар борасида Ўзбекистон салоҳияти ва имконияти: янги конларни ўзлаштириш, кадрлар тайёрлаш, халқаро ҳамкорлик, соҳани модернизация қилиш борасидаги истиқболли режалар" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.*

# Ўзбекистон қазилма бойликлари бўйича дунё ўнлигида

Маълумки, мамлакатимиз беҳисоб ерости бойликларига эга. Соҳани тараққий эттиришда эса геология тармоғининг ҳамда тажрибали геологларнинг минерал хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш бўйича бажарадиган ишлари муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодиётида геологиянинг ўрни салмоқлидир.

Тадбирда сўзга чиққанлар 2017 йил 13 ноябрда давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган йиғилишда берилган топшириқлар ижроси ҳамда минерал хомашё ва қимматбаҳо қазилмалар бўйича юртимиз имкониятлари, янги конларни ўзлаштириш, замонавий билим ва малакага эга кадрлар тайёрлаш, халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан фикрларини баён этдилар.

Таъкидланганидек, аҳолини ерости ичимлик суви билан таъминлаш, металлургия, энергетика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўплаб соҳаларнинг асоси геология билан боғлиқ. Бугунги кунда фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат балансида жами саноатда ўзлаштиришга тайёр 1931 та кон ҳисобга олинган. Натижада мамлакатимиз олтин, уран, мис каби фойдали қазилмалар захиралари бўйича дунёнинг кучли ўнлигига киритилган.

Геология-қидирув ишларини жадаллаштиришга мўлжалланган 14 та ерости сувлари, 5 та олтин, 3 та кварц, 1 тадан темир рудаси, вольфрам, ёнувчи сланецлар билан бирга, жами 26 та кон саноатда ўзлаштиришга тайёрланган.

**Латофат БЎРИЕВА**

# Бир гектар иссиқхонадан саксон тонна ҳосил

**СИРДАРЁ** ВИЛОЯТИ

Мирзаобод тумани ҳудудида жойлашган "БЕК КЛАСТЕР" нефизидаги "Мирзаобод универсал трейд" масъулияти чекланган жамиятида ҳар йили 160 гектардан ошиқ майдонда пахта, яна шунча ерда ғалла етиштириб келинмоқда. Шунингдек, 4 гектар майдонда боғ барпо этилган.

Жамиятнинг чорвачилик фермасида 200 бош қорамол, 70 бош от, 500 бош қўй парвариш қилиниб, ишчи ва хизматчилар бепул тушлик билан таъминланаётир. Вилоятда биринчи бўлиб "БЕК КЛАСТЕР"да маҳсулотни етиштириш, қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантириб, экспорт қилишнинг йўлга қўйилгани корхона имкониятларини янада кенгайтирди.

2012 йилда 4 гектар майдонда иссиқхона ташкил этилганди. Хориж технологияси билан жиҳозланган, томчилатиб суғоришга мослаштирилган иссиқхонага ҳар йили август ойида Голландиядан келтирилган юқори ҳосилли "1955" навли помидор кўчати экилиб, мўл ҳосил олиб келинаётир. Помидорлар ноябрдан апрель ойи охиригача ҳосил беради. Бир туп помидордан ўртача 7-8 килограммгача ҳосил олинянпти.

– Юқори ҳосилдор кўчатларни экиб, парваришлаганимиз боис гектаридан ўртача 80 тонна сара помидор териб олиб, Россия давлатига экспорт қиляпмиз, – дейди "Мирзаобод универсал трейд" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Даврон Шертоев. – Ўзимиздаги нархга ҳисоблаганда гектаридан олинаётган даромад 80-90 миллион сўмни ташкил этади. Иссиқхонанинг кони фойда эканлигини ҳисобга олиб, "БЕК КЛАСТЕР" қошида шу йилнинг ўзида Жанубий Корея технологияси билан жиҳозланган 20 гектарлик янги иссиқхона барпо этяпмиз. 10 гектари шу йилнинг ўзида қуриб битказилади. Етиштирилаётган сархил помидор, булғор қалампири ва кўкатларга хорижий давлатлардан кўплаб буюртмалар тушяпти. Қолаверса, бугун экспортни йўлга қўймаган, бир сўм сарфлаб, ўн сўм фойда олмаган тадбиркор тадбиркорлик қилолмайди.

Иссиқхонада 40 нафардан зиёд Мирзаобод, Сирдарё ва Сайхунобод тумани ёшлари самарали меҳнат қилишмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**НАМАНГАН** ВИЛОЯТИ

**Поп туманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан вилоятдаги тиббиёт муассасаларида назорат-таҳлил тартибида ўтказилган ўрганиш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ УНУТИЛМАСИН

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Наманган ва Фарғона вилоятлари соғлиқни сақлаш бошқармалари раҳбарларининг ўринбосарлари, вилоятдаги шаҳар ва туманлар тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари, туғуруқхоналар бош шифокорлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда таъкидланганидек, депутатлар томонидан ўтказилган ўрганиш жараёнида тиббиёт муассасаларида олиб борилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, Поп, Косонсой, Тўрақўрғон ҳамда Норин туманлари ва Наманган шаҳридаги тиббиёт бирлашмаларида қатор камчиликларга йўл қўйилган. Бирламчи тиббиёт муассасаларида фертель ёшидаги аёлларнинг тиббий кўриги сифатсиз ўтказилганлиги, аниқланган касалликлар тўлиқ даволанмаслиги ва контрацепция воситалари билан ўз вақтида қамралмаганлиги маълум бўлди.

Муҳокама давомида баъзи тиббиёт ходимларининг масъулиятсизлиги, патронаж ва тез тиббий ёрдам хизматидаги ўзибўларчиликлар ҳамда уларда тиббиётга оид муаммолар мунтазам равишда муҳокама этилмаётганлиги танқид остига олинди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИГА ТАШРИФИ ДОИРАСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРГАН КЎРСАТМАЛАРИ АСОСИДА ҲУДУДДА САМАРАЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

# Фаровонлик ва тараққиётни кўзлаган лойиҳалар

**СУРХОНДАРЁ** ВИЛОЯТИ

**Маълумотларга кўра, жорий йилда вилоятда мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишларини ривожлантириш учун халқаро молия ташкилотларининг 151 миллион АҚШ долларилик сармоялари жалб қилинади. Улар орқали 250 дан ортиқ лойиҳа амалиётга татбиқ этилади.**

Хусусан, мева-сабзавотчилик йўналишида 177 та лойиҳа, чорвачилик, паррандачилик йўналишида эса 77 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг самарасида 82 гектардан ортиқ майдонда иссиқхоналар ташкил этилади. Сиғими 79 минг тоннага тенг бўлган музлаткич омборхоналар, 117 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш қувватлари ишга туширилади. 6 минг 300 дан ортиқроқ наслли чорва моллари харид қилиниб, 225 мингдан зиёд парранда боқишга мўлжалланган мажмуалар иш бошлайди. Энг муҳими, 3 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Шу йўналишда фаолият олиб бораётган "ASG Group" корхоналар уюшмасига қарашли "Жарқўрғон мева-сабзавот экспорт" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлар қизғин бормоқда. Уюшма таркибида 18 та корхона фаолият юритади. Шундан 6 таси Сурхондарё вилоятида ташкил этилган. Мазкур корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чуқур қайта ишлаш ва уни экспорт қилиш билан шуғулланади. 2016-2017 йиллар Хитой, Афғонистон, Покистон, Вьетнам, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Туркия ва МДҲ давлатларига 74 миллион АҚШ доллари ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди. Жорий йил экспорт ҳажмини 150 миллион АҚШ долларига етказиш мўлжалланмоқда. Айни пайтда уюшмага қарашли 2 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи логистика маркази фаолият кўрсатмоқда. Келгусида Денов, Сариосиё, Олтинсой, Ангор, Музработ туманларида ҳам йирик логистика марказларини ишга туширишбўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бу йил Деновда лойиҳа қиймати 240 миллиард сўмлик, шундан 180 миллиарди банк кредити, 60 миллиарди эса корхона маблағлари ҳисобидан, Франция интенсив технологияси асосида картошка етиштириш лойиҳаси ишга туширилиши режага киритилган. 2 минг гектар майдонга Франциядан биринчи авлод картошка уруғлари келтириб экилади. Ёмғирлатиб суғориш усули жорий этилади. Бунда сув ресурслари сарфи тўрт баробар тежалишига эришилади. Бир гектар ердан камида 50 тонна ҳосил олиш мумкин. Лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, 1,5 минг иш ўрни яратилади.

Сабзавот маҳсулотларини кўпайтиришда иссиқхоналарни ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Вилоятнинг табиий иқлими қулай бўлиб, йилдан-йилга иссиқхоналар ҳудуди кенгайиб бормоқда. Президентимиз 2017 йил февраль ойида вилоятга ташрифи давомида сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва уларни экспорт қилишга ихтисослашган истиқболли лойиҳалардан бири – Термиз туманидаги "Gold Agro Frish" агрофирмаси фаолияти билан танишиб, 20 гектарлик замонавий иссиқхонани янада кенгайтириш, бу ерда етиштириладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш, 5 минг гектарда анор, 5 минг гектарда лимон етиштиришни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлаган эди. Қиймати 35 миллион АҚШ долларига тенг бўлган корхонанинг замонавий иссиқхоналарида йилига 300 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилиш, шунингдек, мингдан ортиқ иш ўрни яратиш режалаштирилган. Ҳозир бу ерда 600 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланган. Корхона томонидан Шеробод туманида 200 гектар анорзор ташкил қилинди. Музработда эса баҳорги мавсумда минг гектар ерга қовун ва гулкарам экиш режалаштирилмоқда.

Агрофирма йирик қайта ишлаш мажмуасига эга. Етиштирилган маҳсулотлар аввал сараланиб, тезкор музлатилади. 17 та совитиш камерасида 12 минг тонна маҳсулот сақланади. 10 дан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари шок асосида музлатилади. Ўтган йили минг тоннадан ортиқ маҳсулот Европа ва Россия давлатларига экспорт қилинди.

Иссиқхонанинг кўчатчилик бўлими 5 гектардан иборат. Бу ерда йилига 60 миллион дона кўчат етиштирилади ва агрофирма далаларига, иссиқхоналарга экилади.

Президентимиз қишлоқ хўжалигига илмий асосда ёндашув юқори самарадорликка эришиш, одамлар турмуш фаровонлигини оширишда асосий омил эканини қайта-қайта таъкидлайди. Соҳага интенсив технологияларни янада кенгроқ жорий этишда "Ангор Сурхон ғурури" корхонаси томонидан тўқимачилик кластери ташкил этиш лойиҳаси муҳим аҳамият касб этади. Лойиҳага асосан келгусида 3,5 минг гектар ерда юқори рентабелли интенсив толали пахта навлари етиштириш мўлжалланмоқда. Замонавий технологиялар асосида ҳосилдорликни 50-60 центнерга етказиш, ҳосилни чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 40 гектар майдонда лимон, шафтоли, қулупнай, кўкат етиштириш бўйича иссиқхоналар ташкил этиш ҳам корхона режасида турибди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этишдек устувор муаммоларни ҳал этишда муҳим ҳисобланган яна бир лойиҳа бу – "ASG-Surxon export-import savdo" корхонасини ташкил этиш ҳисобланади. Лойиҳага асосан вилоятдаги бўз ва суғорилмайдиган ер майдонларида томчилатиб суғориладиган интенсив боғлар ташкил қилинади. Мазкур йўналишда бу йил 900, 2019 йилда эса 1 минг 150 гектар майдонда замонавий интенсив боғлар барпо этилади. Айни пайтда амалий ишлар бошлаб юборилган. АҚШ, Исроил ва Туркиядан мутахассислар жалб қилинган. Режалаштирилган 9 та қудуқдаги бурғулаш ишлари якунига етказилмоқда.

Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида чорвачилик соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, зарурий топшириқлар берган эди. Улардан келиб чиққан ҳолда жорий йил вилоятда чорвачилик йўналиши бўйича 36 та янги лойиҳа ишга туширилади. Хориждан 18 мингдан ошиқ наслли қорамол, 10 мингдан зиёд наслли қўй олиб келинади. Шу тариқа қўшимча 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади. Шунинг ҳисобига воҳада чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ошади. Ана шундай лойиҳанинг 11 таси бойсунлик тадбиркорлар томонидан таклиф этилган.

Ҳудуд аҳолисини товуқ гўшти ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам муҳим масалалардан. Президентимиз томонидан берилган кўрсатмалар асосида жорий йил вилоятда мазкур йўналишда истиқболли режаларни амалга ошириш кўзда тутилган. 2017 йил якунига кўра, вилоятда 4 миллион 330 мингта парранда парваришланиб, улардан 356 миллион дона тухум олинди. 2018 йилда соҳани янада ривожлантириш учун 27 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Шу орқали вилоятда парранда сони 2 миллион 250 мингтага кўпайиб, 238 миллион дона қўшимча тухум ишлаб чиқарилади. Шу асосда 624 та янги иш ўрни яратилади.

Ўтган йили вилоятда бир йилда пилладан 3 марта ҳосил олиш республикада илк маротаба синовдан ўтказилди ва муваффақиятли амалга оширилди. Такрорий пилла етиштириш мавсуми уюшқоқлик билан ташкил этилганлиги сабабли жами 1 минг 900 қути ипак қурти агротехник қоидаларга қатъий риоя этган ҳолда парваришланди. Сифатли пилла етиштириш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида 76 тоннадан ортиқ кумуш тола ҳозирланди.

Вилоятда мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиб амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Дилфуза ЖЎРАЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# Марғилон атласининг рангин жилоси

## сайёҳларни ҳам мафтун этмоқда

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

**Марғилон азалдан ҳунармандлар маскани ҳисобланади. Эътиборлиси, бу ерда аждодлардан мерос атласу адрасдан бетакрор санъат асари яратиш сир-синоатларини давом эттиришни хоҳлаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда.**

Марғилонлик ҳунарманд Расулжон Мирзааҳмедов бундан ўн йил олдин шаҳардаги "Саид Аҳмад Эшон" мадрасаси биносида миллий ҳунармандчилик марказини очган эди. Тез орада мадраса биносининг 19 та хонасида кўплаб ҳунармандчилик соҳаларига ихтисослашган устахоналар иш бошлади. Мисгарлик, чилангарлик, атлас ва адрасдан турли матолар ҳамда юнгдан шарф тўқиш, ипак ва бошқа гилам тайёрлаш, каштадўзлик каби ҳунарларни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар бошланди. Бу марказда иш бошлаган ёшлар эса, табиийки, кун сайин малака ва тажрибаларини ошириб бормоқда.

– Ҳозирда Расулжон аканинг зиммасидаги масъулият янада ошди, – дейди марказ мутахассиси Ҳаётилло Баҳодирхонов. – У ўтган йилнинг октябрида Фарғона вилояти ҳунармандлар уюшмасининг раислигига сайланди. Вилоятда ҳунармандчиликни янада ривожлантиришда, бу инсоннинг ташкилотчилиги ва соҳадаги тажрибаси қўл келиши табиий. Зеро, Расул ака бунгача олти йилдан кўпроқ муддат мобайнида Марғилон шаҳар ҳунармандлар уюшмасига раҳбарлик қилиб, яхшигина тажриба тўплаган.

Марказни айланганимизда, бу ерда меҳнат қилаётган уста ва ҳунармандларнинг асосий қисми ёшлар эканлиги эътиборимизни тортди. Айниқса, ўта нозик ҳисобланган мисгарлик устахонаси ҳунар ўрганаётган ёшлар билан гавжум. Мисгарликда маҳсулотнинг яхши чиқиши миснинг тозалигига, ўтда тоблаб сайқал берилишига, қолаверса, ҳунарманднинг ички туйғусига, ижодий ёндашувига боғлиқ. Бу ердаги кўзалар, лаган ва чойнаклар, обдаста ва сув қуйишга мўлжалланган идишлар, вазалар бежиримлиги, кўркамлиги билан ажралиб турибди. Бунда, албатта, босқондаги ўтдан тортиб, мисни ўйишда ишлатиладиган ўткир йўнувчи ярим ёйсимон асбобларгача алоҳида аҳамият касб этади. Номдор мисгар – кандакор Абдуҳамид Мадалиев бу ерга тез-тез келиб, шогирдлар ишидан хабар олиб тураркан. Бу эса ёшларнинг билмаганларини сўраб олишлари учун қўл келади.

Марказнинг яна бир хонасида уч нафар қиз адрас тўқимоқда. Ойхон Халилова, Дилобархон Солиева, Сайёра Мамажонова тўқиётган адраслар жилоси кишини ўзига тортади.

– Марғилон ҳунармандларининг қўл дастгоҳида тўқилаётган адрас матоларига нафақат ўзимизда, балки хорижда ҳам талаб катта, – дейди Расулжон Мирзааҳмедов. – Бунинг сабаби матонинг ранглари бетакрор, жилоси эса ранг-баранг. Марғилоннинг ўзида атлас ва адрасдан мато тикувчи 350 нафардан зиёд ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Бошқа туман ва шаҳарларда ҳам ҳунармандчиликнинг бу йўналишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос ҳукуматлараро қўмитаси 12 сессиясида Марғилон ҳунармандчилик маркази атлас, адрас тайёрлашнинг илғор тажрибаси инсониятнинг номоддий маданий меросни сақлаш реестрига киритилди. Дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатлари иштирок этган халқаро анжуманда эълон қилинган бу ютуқ барча ҳунармандларни руҳлантирди. Шу боисдан бўлса керак, йил бошидан бери ҳунармандлар шаҳри – Марғилонга келувчи сайёҳлар сони сезиларли даражада ошди.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

МУНОСАБАТ

**Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар, хусусан, бозор муносабатлари талабларига мос равишда юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, сифатини таъминлаш, ички бозорни зарур маҳсулотлар билан тўлдириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади.**

# Ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат

## ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИДИР

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишни янги босқичга олиб чиқади. Ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш, нарх-навонинг асоссиз оширилиши каби жиддий муаммоларга барҳам беради.

Фармонда 2018 йил 1 февралдан мамлакатимизга озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ҳамда бошқа имтиёз ва преференцияларни, истеъмол товарларини республика товар-хомашё биржаларида сотиш (сотиб олиш)га тақиқни, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларга улгуржи савдога лицензия бериш учун энг кам иш ҳақининг 3500 баравари ва унинг устав фондида пул маблағларига 1200 баравар талаб қилинган мажбуриятларни бекор қилиш кўзда тутилган.

Бу, биринчидан, тадбиркорлик субъектларига бозорда тенг рақобат муҳитини яратишга хизмат қилса, иккинчидан, бозорларимизнинг сифатли, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирилишида омил бўлади. Шу билан бирга, товар-хомашё биржалари ҳамда электрон савдоларда мамлакатимиз ва чет эл тадбиркорларининг қатнашиш имкониятларида тенгликни вужудга келтиради, инвестициявий жозибадорликни оширади.

Фармонда келтирилганидек, 2019 йилнинг 1 январигача шакар ишлаб чиқарувчи субъектлар импорт хомашёси асосида ишлаб чиқарган шакар ҳажмига қўшилган қиймат солиғидан, шунингдек, 8 хил турдаги озиқ-овқат товарлари ҳам божхона тўловларидан озод этилмоқда. Албатта, бу каби имтиёзларнинг берилиши маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш орқали қўшимча иш ўринлари яратилишига замин ҳозирлайди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, мазкур ҳужжатда бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, аграр соҳани ривожлантириш, ижтимоий давлат-хусусий шериклиннг таъсирчан механизмларини ва қулай божхона тарифларини жорий этиш мақсадида "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам белгиланган.

Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ривожланишининг бугунги босқичида халқимиз турмуш даражасини янада ошириш йўлидаги муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканлигини таъкидлаш жоиз. Шу боисдан фармон мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган вазифалар айни пайтда Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан катта қизиқиш ва юксак кўтаринкилик руҳида ўрганилмоқда.

Олдимиздаги яна бир муҳим масала ушбу ҳужжатнинг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ бўлиб, жойлардаги учрашувларда унинг мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш, амалий ҳаракатлар устидан самарали парламент назоратини амалга оширишга аҳамият қаратишдир. Шу мақсадда қўмитамиз томонидан мазкур фармоннинг ижро этилиши ва фармон асосида амалдаги қонунчилик билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, мунтазам мониторингни йўлга қўйиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ҳужжат мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини ўзвий давом эттириш билан бирга, фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари учун янги имкониятлар яратилишига хизмат қилади.

**Тўлқин ЭШНАЗАРОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси.*

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий инспекциялари томонидан тадбиркорлар, экспортчи корхоналар ҳамда фермер хўжаликлари вакиллари билан очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.**

# Муаммолар очиқ мулоқотда ечимини топди

Қўшкўпир туманида ташкил этилган тадбирда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, мамлакатимиз инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Учрашув давомида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган тадбиркорларнинг мурожаатлари ҳам кўриб чиқилди. Хусусан, Қўшкўпир тумани Ғозовот қишлоғидаги "Ғозовот деҳқон бозори" ёнида жойлашган узоқ йиллардан буён фойдаланилмасдан турган, қурилиши тугалланмаган бино Илҳом Маткаримов ва Комилжон Нуримовларга тадбиркорлик фаолияти учун берилиши масаласи қонуний ҳал қилинди. Мазкур бинода нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш шохобчаси фаолияти йўлга қўйиладиган бўлди.

– Бугунги тадбирда мурожаатим ечим топганидан мамнунман, – дейди Комилжон Нуримов. – Эндиликда ушбу бинода нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқчимиз. Жорий йилнинг ёзида корхонамиз тўлиқ ишга тушади. Қишлоғимиз ёшларидан 5 нафарини иш билан таъминлашни режалаштирганмиз. Солиқ хизмати органлари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга берилаётган амалий ёрдамдан миннатдормиз.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари туманнинг Ўзбекёп қишлоғидаги "Қўшкўпир парранда" МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур корхона тухум ва гўшт йўналишидаги паррандачилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Корхона раҳбари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида Германиядан 8 та парранда боқиш ускунаси олиб келишни режалаштирган. Лойиҳага кўра, 15 миллиард сўмлик инвестиция киритилиши, қўшимча 50 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Корхона раҳбари томонидан ҳудуддаги бўш турган бинонинг "0" қийматда берилишида амалий ёрдам сўралди.

Келажакда ушбу бинода парранда гўшти ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бунинг учун 1 миллиард сўмлик инвестиция киритилиши ҳамда 13 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Мазкур мурожаат ижроси юзасидан туманнинг тегишли ташкилот раҳбарларига амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан таклифлар берилди.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# Эътибордан диллар мунаввар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.**

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан Оролбўйининг барча ҳудудларида аҳолини уй-жой ва маиший техника билан таъминлаш, яшаш жойларини таъмирлаш ҳамда тиббий хизмат бўйича амалий ёрдамга муҳтож оилалар аниқланди.

Мазкур тоифадаги оилалар рўйхати маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланиб, 2017-2018 йилларда беғараз ёрдам кўрсатиш бўйича ҳудудий манзилли дастур ишлаб чиқилди. Мазкур дастурда Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2 минг 64 та оилага манзилли ёрдам кўрсатиш, хусусан, 32 та оилани уй-жой билан таъминлаш, 160 оиланинг яшаб турган уйларини таъмирлаш, 96 та оиланинг тиббий ёрдамга муҳтож аъзолари саломатлигини тиклаш ва 1776 та оилага маиший техника жиҳозларини бериш кўзда тутилган.

– Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг уй-жой ва маиший шароитини яхшилаш, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган шахсларни парваришлаётган эҳтиёжманд оилаларни уй-жой билан таъминлаш, касалманд оила аъзолари саломатлигини тиклаш борасида қатор ишлар қилинмоқда, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши бўлим мудири Гулнора Элмуродова. – Ушбу тадбирлар доирасида эҳтиёжманд оилаларга бориб, саломатлигини мустаҳкамлаш учун махсус сертификатлар, дори-дармон воситалари, турмуш даражасини ошириш мақсадида маиший техника жиҳозлари топширилди.

Мазкур хайрли ишларнинг дастлабки босқичида 2017 йил 25 декабрь куни тумандаги 111 нафар эҳтиёжманд оилага кундалик турмушида зарур бўлган маиший техника жиҳозлари тантанали равишда топширилган бўлса, жорий йилда 36 оилага газ плита ва газ баллонлар берилди.

Президентимиз ташаббуси билан бугун мамлакат миқёсида аҳолининг ижтимоий ҳимояталаб қатламларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва унинг амалий натижасидан оддий одамлар, чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган оилалар баҳраманд бўлмоқда. Бундай эътибор ўлароқ, ижтимоий кўмакка муҳтож инсонлар давлатимиз ва ҳукуматимиз эътиборида эканлигини чуқур ҳис этмоқда, кўнгиллари тоғдек кўтарилмоқда. Эзгуликка йўғрилган хайрия тадбирлари жамиятимизда меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларни янада кучайтириши билан бирга, барчани савоб ишлар сари ундамоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# Дон сифати – нон сифати

## "Ўздавдонинспекция" томонидан олиб борилаётган ишлар шу тамойилга асосланган

**Давлатимиз томонидан аграр соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ватанимиз тупроғида миришкор деҳқонларимиз томонидан етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бутун дунёга машҳур.**

Соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, ғалла ҳосилдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. Президентимизнинг 2017 йил 8 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида дон ва дон маҳсулотлари давлат ресурсларининг сифатли сақланиши ва улардан оқилона фойдаланиш устидан назорат янада такомиллашди.

Унга кўра, дон ва дон маҳсулотларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш жараёнида талон-тарожликларга ва мансабни суиистеъмол қилишга йўл қўйилишининг олдини олиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди ва унинг ижроси устидан тўлиқ назорат ўрнатилди. Хусусан, давлат ресурсида сақланаётган донлардан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш, дон камомади, сифати бузилиши ва ортиқча йўқотилишининг олди олинишини таъминлаш мақсадида "Ўздонмаҳсулот" АЖ мутахассислари билан биргаликда жойларга чиқиб, олиб борилаётган мониторинг ва назорат ишлари самарали давом этиб келмоқда.

"Ўздавдонинспекция"да Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари ҳам таъминланган. Бундан ташқари, сайёр қабулларни ташкил этиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда тадбиркорлар ва жисмоний шахслар билан биргаликда учрашувлар ўтказилиши ҳамда бевосита қабул жараёнида кўтарилган масалалар юзасидан батафсил таҳлилий ишлар олиб борилиши ва тегишли чоралар кўрилиши йўлга қўйилган.

Миришкор деҳқонларимиз томонидан яратилаётган ризқ-рўзимизни сақлаш, аҳолини сифатли дон ва дон маҳсулотлари билан таъминлашда соҳага жалб этилаётган инновацион технологияларнинг аҳамияти катта. Буни яхши англаган мутасаддилар ўтган йили Инспекция марказий лабораториясида технологияларни модернизациялаш дастурини амалга оширди. Натижада марказий лаборатория замонавий талабларга жавоб берадиган ўлчов воситалари билан таъминланди. Бу ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилиши белгилаб олинди.

Шунингдек, давлат дон инспекциясининг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш мақсадида шу йўналишда таълим муассасаларини тамомлаган ёш мутахассислар ва соҳада фаолият олиб бораётган кадрларни ишга қабул қилиш ва тажриба орттиришлари учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу борада инспекция фаолиятига замонавий фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли, касбий малакаси юқори кадрларни жалб этишга алоҳида урғу берилмоқда. Бундан ташқари, Инспекция фаолияти шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатиш ва маъмурий тартиб-таомилларини қўллашга оид қарор ва ҳужжатлар Инспекциянинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиб, унга фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ўтган йили маҳаллий оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Электрон оммавий ахборот воситалари миллий агентлиги билан ҳамкорликда ахборот хизматлари фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, тизим фаолиятининг муҳим жиҳатлари бўйича соҳада амалга оширилган ишлар юзасидан матбуот анжуманлари ва брифинглар ташкил этилди.

**Суҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ**

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

# «Бир болага уч китоб»

**Шароф Рашидов туманидаги 38-умумтаълим мактабида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир шундай номланди.**

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шунингдек, ташкилотчилар томонидан китоб ярмаркаси ҳам ташкил этилди.

– Китоб мутолаа қилган инсоннинг дунёқараши кенгайиб, ҳаётга теран нигоҳ билан қарайди, – дейди тумандаги 38-умумтаълим мактаби директори Исроил Эрбўтаев. – Шу боис, фарзандларимизда ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини болаликдан ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш бугунги глобаллашув даврида янада улкан аҳамият касб этаётир. Айни пайтда таълим муассасамизда 540 нафар ўқувчи замонавий шароитларда таҳсил олмоқда. Китоб ярмаркаси давомида кутубхонамизга китоблар тақдим этилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 269-мактабда Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимваси, Тошкент шаҳар саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамкорлигида "Соғлом муҳит – инсон саломатлиги" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

# Соғлом муҳит – инсон саломатлиги

Тадбирда мамлакатимизда ёшларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, уларни она табиат ва унинг неъматларига меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш хусусида сўз юритилди.

Тадбир якунида фаол иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

**Дилором КОМИЛЖОНОВА**

# Бунёдкорлик кўлами кенгаяди

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

**Навоий шаҳридаги "Навоий прогресс-сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган ўн турдан ортиқ қурилиш маҳсулотлари бунёдкорлик ишларига йўналтирилмоқда.**

Корхонада 47 нафар ишчи-ходим доимий иш билан таъминланган.

– Иш самарадорлигини ошириш, замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланиш мақсадида сўнгги уч йил давомида ўндан ортиқ ишлаб чиқариш ускуналари келтириб ўрнатилди, – дейди корхона раҳбари Б.Жумаев. – Корхонамизда йигирма икки дона юк ташувчи ва махсус техникалар мавжуд бўлиб, улардан ишлаб чиқариш жараёнида самарали фойдаланилмоқда.

Айни пайтда корхона жамоаси инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш устида иш олиб бормоқда.

**Отабек АСЛОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# Йигитлар муносиб кутиб олинди

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Хизмат бурчини ўтаб бўлган 25 нафар сирдарёлик аскар Гулистон вокзалида катта тантана билан кутиб олинди. Йигитларнинг 12 нафари олийгоҳларга кириш учун имтиёзли йўлланма билан қайтишди.**

Тадбирда вилоят ҳамда Гулистон шаҳар ҳокимлиги вакиллари, "Маҳалла" жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши фаоллари, аскарларнинг ота-оналари, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Хизматдан олийгоҳга кириш учун йўлланма билан қайтдим, – дейди Гулистон шаҳрининг Янги ҳаёт маҳалласида яшовчи Саидали Акбаралиев. – Келажакда отам каби ички ишлар ходими бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман. Армия сафларида жисмонан чиниққаним, у ерда ўзлаштирганларим бу борада менга қўл келади, албатта.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 22-fevral, payshanba **21 (8884)-son**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

**Бўстонлиқ маркази Ғазалкентдан Чимбойлиққа қараб автоуловда ўн беш дақиқача юриб, йўл четида "Қимрон" деб ёзилган тахтакачга кўзим тушди. Кўчадан ўтаётган боладан "Илҳом туячининг уйи шуми?" деб сўрадим. Йигитча сўзимни тасдиқлаб, дарвозани тақиллатиб берди. Тасодифни қарангки, ичкаридан чиқиб келган одамни ярим соат олдин Ғазалкентда кўргандим. Биз эски қадрдонлардай сўрашдик. Зеро, очиқ чеҳра билан боққан киши кўзингизга ҳеч қачон бегона кўринмайди. Мезбон ичкарига таклиф қилгач, унга "Замон қаҳрамони"ни излаб юрганимни билдирдим. Гапим баландпарвозлигидан бироз хижолат ҳам бўлдим.**

# «Саҳро кемаси» тоғда ҳам «сузади»

– Биз оддий одамлармиз, – деди уй бекаси стол устини йиғиштираркан, беихтиёр гапга аралашиб.

– Бизнинг мақсадимиз ҳам айнан оддий одамлар орасидан қаҳрамонларни топиш-да, – дедим. – Зеро, Президентимизнинг талаби ҳам шу – халқ билан мулоқот қилиш орқали кишиларнинг дилидаги дарди, ўй-хаёллари ва фикрини ўрганиш, эзгу ишларини тарғиб этишни олдимизга вазифа қилиб қўйган.

Халқимизда шундай мақол бор: "Керак йўқни бор қилур". Ўзимни анчадан бери ўйлантириб келаётган саволни тилимга чиқардим:

**– Бўстонлиқдай тоғли туманда туя боқиш фикри хаёлингизга қаердан келди?**

– Муҳтожлик одамни кўп нарсага ўргатади, – деди Илҳом бобо жилмайиб. – Нима қилсак, яхшироқ яшаймиз, деган савол бизни туябоқар қилди.

**– Кўп нарса ирсиятга ҳам боғлиқ, дейишади. Балки авлодингизда туячилар ўтгандир?**

– Тўғри, катта бобомиз бу жойларга ёлғиз ўзи туя етаклаб келган, янтоқ кўплигини кўриб, шу ерда яшаб қолган. У кишини бувам ҳам эслай олмайди, отасидан эшитган.

**– Балки ўша бобонгизнинг қизиқиши сизга ўтгандир?**

– Йў-ўқ, – дейди Илҳом ака, – бу тасодиф бўлса керак, тағин билмадим...

**– Ҳарқалай, Қорақалпоғистондай жойдан туя келтириб парваришлаш фикри ўз-ўзидан пайдо бўлмагандир, бунга нимадир туртки берган бўлса керак?..**

– Қадимда туя сути ва пешобидан бир неча оғир хасталикларга, масалан, жигар циррози, нафас қисишига қарши даво бўлувчи малҳам сифатида кенг фойдаланилган экан. Туя сути қирқ кун давомида тартиб билан истеъмол қилинса, қонни тозалайди, тери рангини тиниқлаштиради. Бу жониворнинг жуни, гўшти, ҳатто тезагигача шифобахш эканини ҳам ўқиганман. Туя сутини соғилган заҳоти, иссиқлигида ичиш керак. Баъзи касалликлардан халос бўлиш учун туялар орасида ётиш тавсия этилади. Ҳар кимда ҳам Қорақалпоғистонга ёки Навоий вилоятининг Учқудуқ, Томди туманларига бориб келиш имконияти йўқ-ку, тўғрими? Тоғли ҳудуд бўлса-да, туманимизда туя учун севимли озуқа бўлмиш янтоқ кўп ўсади. Қисқаси, бир куни хаёлимга туя боқсак бўлади-ку, деган фикр келди. Шундай қилиб, 2014 йилда бир бош туя олиб келдик.

**– Боқишга қийналмадингизми? Чунки, бу борада тажрибангиз бўлмаган...**

– Яхшигина ташвиши бўлса-да, боқиш мумкин экан. 2015 йил баҳорида ўғилларим Илёс ва Санжар Қорақалпоғистондан яна ўн бир бош туя олиб келишди.

Фақат йўл харажатига уч ярим миллион сўм кетди. Йўл азобини айтмайсизми? Хуллас, машаққати етарли. Эгаси бўғоз, деб берган туя қисир чиққан ҳолатлар ҳам бўлди. Туя эчки эмаски, обориб алмаштириб келаверсангиз.

**– Дарвоқе, тоғда туя боқишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бордир?**

– Шундай! Аввало, туя оғир жонивор: бир йиқилса, жойидан туриши қийин, кўтариб ҳам қўзғатолмайсиз. Тоғда жарликлар, ўнгирлар, зовлар бор. Теп-текис саҳрода юриб ўрганган жонивор бир-бирига урилиб кетсаям йиқилиб қолаверади. Кейин ўрнидан турмай, ётиб олади, туришга қўрқади. Токи, ўша жойга бошқа бир туяни олиб келиб, эргаштириб кетмагунингизча ётаверади.

**– Бу юмуш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Ўзига яраша ташвиши бўлгандир? Масалан, озуқа етказиб бериш, жой тайёрлаш, дегандек...**

– Ишни энди бошлаган пайтларимиз қўшнилар кўп безовта бўлишди. "Туянгиз бўкиради, ҳайбати қўрқинчли", деб шикоят қилишди. Хуллас, арзлардан безиб, тоғ этагидан жой тайёрлаб, туяхона қурдик. Тоғ бўлгандан кейин, қишда туя ҳам совқотаркан. Молхонага сиғмаса... Нима қилиш керак? Хайрият, 2016 йилнинг кузида вилоят ҳокимлиги ер ажратиб берди.

Шундан сўнг ишларимиз юришиб кетди. "Илҳом ҳидоят" фермер хўжалигини ташкил этдик. Телевидение орқали кўрсатишди. Ҳозир республикамизнинг турли ҳудудларидан одамлар келишади. Бир ой, қирқ кун ётиб, ҳар куни жойида туя сутини ичишади. Қўлимиздан келганча элга хизмат қиляпмиз. Гиёҳ еган туянинг сути яна ҳам шифобахш бўларкан. Тоғ ичкарисида тўртта вагонимиз бор. Бирйўла ўн икки кишини қабул қилиш мумкин.

Хомчўтим бўйича 50 та туя бешта оилани боқади. Бошқача айтганда, ўн киши иш билан таъминланади. Тоғ ёнбағрида туя сути билан даволовчи сиҳатгоҳ барпо этмоқчимиз. Ўша жойгача йўл очиб бордик. Экологлар билан бамаслаҳат ишладик, бирорта ҳам дарахт кесилмади. Зарурат бўлганда, йўлни айлантириб олиб ўтдик. Мана энди, шу йўлдан қишлоқ одамлари, меҳмонлар ҳам фойдаланишмоқда.

Халқ орасида ишбилармонликнинг янги-янги йўналишларини очаётган фидойи одамлар бисёр. Улар туфайли дастурхонимиз тўкин, бозорларимиз серобгарчилик. Эл соғлиғини ўйлаб, тоғу тошлар орасида табиий санаторий ташкил қилиш иштиёқи билан яшаётган тадбиркор оилага омад ёр бўлсин, деб сўзимизни якунлар эканмиз, Илҳом аканинг боғдорчиликка доир айрим ишларини ҳам санаб ўтишни лозим топдик. У киши дарё ёқасидаги ташландиқ жойни ободонлаштириб, 2,5 минг туп терак, 200 туп бодом, 400 туп ёнғоқ, 500 туп наъматак, 65 туп нок, 95 туп олма, оралиқ жойларга эса олхўри экибди. Боғни бориб кўрдик, ҳавас қилса арзийди. Бу энди бошқа мақола мавзуси.

**Ориф ҲОЖИ**

ТИББИЁТ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Якинда Республика онкология илмий маркази мутахассислари вилоят онкология диспансерида 81 нафар беморни тиббий кўрикдан ўтказишди. Шундан 68 нафар беморга амбулатор шароитда, 13 нафарига эса стационар шароитда даволаниш тавсия қилинди. 2 нафар беморда мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Беморларнинг яна 2 нафари Республика онкология илмий марказига даволаниш учун юборилди.

## Мураккаб тиббий амалиётлар шу ернинг ўзида ўтказилмоқда

Шу билан бирга, мутахассислар турли мавзуларда семинарлар ўтказишди. Унда вилоятдаги тиббиёт ходимларига онкология хасталикларининг олдини олиш, ташхис қўйиш, даволаш борасида тавсиялар берилди. Мутахассислар, шунингдек, Янгиариқ туманида 20 нафар беморни кўрикдан ўтказишди.

Вилоят онкология диспансерига Туркия давлатидан мутахассислар ташриф буюриб, беморларни текширишда, бешта мураккаб жарроҳлик амалиётида иштирок этишди. Улар Республика ихтисослаштирилган урология маркази вилоят филиалида ҳам 11 нафар беморни тиббий кўрикдан ўтказиб, 3 нафарини операция қилишди.

Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтидан Олим Жабберганов ҳамда россиялик травматолог-ортопед Сергей Виссарионов ташриф буюриб, барча туманларда беморларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Кўрикларга мазкур касаллик безовта қилувчи 74 нафар бола жалб қилинди. Улардан 2 нафарида жарроҳлик амалиёти ўтказилган бўлса, 19 нафар беморга оператив, 53 нафарига амбулатор даволаниш тавсия этилди.

Президентимиз вилоятга ташрифи чоғида Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали фаолияти билан танишган ва шифохона негизида Россия Федерациясининг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиалини ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Мазкур шифохона келажакда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари аҳолиси учун минтақавий марказ бўлиши ҳам таъкидланганди.

Россия бош кардиожарроҳи, академик Л.Бокериянинг ушбу шифохонага ташрифи эса икки тиббиёт муассасаси ўртасидаги самарали ҳамкорликни бошлаб берди. Бугун фақат вилоят аҳолисига хизмат кўрсатаётган ушбу шифохонада йилига юздан ортиқ кардиожарроҳлик амалиётлари ўтказилаётган бўлса, минтақавий шифохона мақомини олгач, бу кўрсаткич 3-4 баробар ошиши кутилмоқда. Шуни ҳисобга олган ҳолда филиалга замонавий ангиография тиббиёт ускунаси ўрнатилди. Бу замонавий ускуна юрак ҳолатини чуқур ўрганиш баробарида, ўпка артерияси босимини ҳам мукаммал таҳлил қилиш имконини беради. Бу билан кардиожарроҳликда энг мураккаб амалиёт ҳисобланадиган қон томирларни стентлаш ҳамда аорта коронар шунтлаш амалиётларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ҳар минг нафар чақалоқнинг 6-7 нафарида туғма юрак нуқсони қайд этилади. Ваҳоланки, бу хасталикни операция йўли билан бутунлай бартараф этиш ва беморни тўлақонли ҳаётга қайтариш мумкин.

Шу вақтгача филиалда вазни 10 килограммдан кам бўлган чақалоқларда кардиожарроҳлик амалиёти ўтказилмаган. Аммо бундай оғир хасталикка чалинган болалар қанча эрта даволанса, унинг асоратларини бартараф этиш шунчалик самарали бўлади. Жаҳонга машҳур илмий-амалий марказ филиалининг Хоразмда иш бошлаши хорижлик ҳамкасблар билан бирга шу ернинг ўзида бир ёшгача бўлган болаларда ҳам мураккаб юрак жарроҳлигини амалга ошириш имконини беради.

Боғотлик Мақсадбек Йўлдошбоев муассасага юрак соҳасидаги оғрикдан шикоят қилиб келганди. Унга туғма юрак нуқсони – қоринчалараро тўсиқ дефекти ташхиси қўйилди. Л.Бокерия билан ҳамкорликда Мақсадбекда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

– Жарроҳлик амалиёти юқори савияда ўтди, – дейди Россия бош кардиожарроҳи, академик Л.Бокерия. – Ҳамкасбларимиз билан гўё бир-биримизни олдиндан биладигандай ишладик. Жарроҳлар, ҳамширалар амалиёт пайтида аниқ ва пухта ҳаракат қилишди. Ҳамшираларнинг ишини, маҳоратини кўриб, менда уларни марказимизга ишга таклиф қилиш фикри ҳам пайдо бўлди.

Шунингдек, Лео Бокерия, қизи, академик О.Бокерия билан муассаса шифокорлари биргаликда оғир туғма юрак нуқсонига чалинган 14 нафар болани, кардиологик профилдаги 8 нафар беморни кўрикдан ўтказди. Россия бош кардиожарроҳи билан филиал ўртасида имзоланган шартномада туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари, юрак ишемик касаллиги, кардиомиопатия ва ўпка гипертензияси, миокард дисфункцияси ва юрак етишмовчилиги, кардиологик профилдаги беморлар реанимацияси ва интенсив терапияси бўйича ҳамкорликда илмий ишлар ва тадқиқотлар олиб бориш, конференцияларда қатнашиш, мутахассислар малакасини ошириш юзасидан келишувга эришилди.

**Болтабой МАТҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

**Нукус шаҳрида тадбиркор Зияда Утеназарова "Nukus Ziyada Nur" ўқув марказини ташкил қилди.**

## Ўндан ортиқ ҳунар ўргатилади

Янги ўқув марказида ёшлар тикиш-бичиш, пазандалик, компьютер саводхонлиги, миллий тўқимачилик, карвинг, сартарошлик ҳамда тиббий хизмат сингари кўплаб касб-ҳунар сирларини ўрганиш имкониятига эга бўлишди.

– Мақсадимиз хотин-қизларнинг, жумладан, катта ҳаётга қадам ташлаётган ёшларнинг жамиятда, оилада ўз ўрнини топишига ҳиссамизни қўшишдир, – дейди Зияда Утеназарова. – Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, дурадгорлик, аниқ фанлар ва чет тилларини ўргатиш курсларини очишни мақсад қилганмиз.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Қарши шаҳрида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш маркази вилоят бўлинмаси иш бошлади.**

## Ёш ишбилармонлар маркази

Шу муносабат билан вилоят ёшлар марказида ташкилотнинг масъул ходимлари, ҳамкорлар, тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

– Ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган ушбу марказ олдига кўплаб вазифалар қўйилган, – дейди марказнинг вилоят бўлинмаси раҳбари Адҳам Тоҳиров. – Хусусан, янги ташкил этилган марказда ёшларда ишбилармонлик қобилиятини ривожлантириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида аниқ режалар асосида иш олиб борилади. Шунингдек, уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ёш тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хорижий давлатлардаги тадбиркорлик субъектлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, халқаро кўргазма ва анжуманларда иштирок этишларига кўмаклашиш каби вазифалар кўзда тутилган.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

TRAKTORBOR.UZ
«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ»
КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЛЕРИ
PLANETA SERVIS

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125
Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

«Ўзметкомбинат»
акциядорлик жамияти
жамиятга тегишли ер майдонларида боғ ва токзорлар барпо қилиш мақсадида:
– пакана ва ярим пакана мевали дарахт ва ток кўчатлари;
– сабзавот, картошка, полиз, дукакли ва бошоқли дон (шоли) уруғлари сотиб олишни маълум қилади.
Мурожаат учун телефонлар:
+99890-920-75-76, +99870-214-15-60.

Тошкент ш. Сергели т.да (10.01.2018 й., реестр № 005710-06) рўйхатдан ўтган "XUMOYUN BOY" ХК (СТИР 305204460) тугатилади. Даъволар 162-01-64 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎйда рўйхатга олинган "WISHES TO ME" ОК (СТИР 304793941) 01.11.2017 й. даги 1-сонли йиғилиш баённига асосан тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида (90) 921-72-78 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т.да (12.09.2013 й., реестр № 008389-04) рўйхатдан ўтган "LEGAL TRANS LOGISTICS" МЧЖ (СТИР 207194294) тугатилади. Даъволар 967-16-66 тел. рақами орқали қабул қилинади.

"ZARA TRUST" ХКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (эгасининг 20.02.2018 й.даги 2-сонли қарорига асосан) барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтган ҳолда "ZARA TRUST" МЧЖга ўзгартирилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. М.Улуғбек т. Сайрам 7-тор кўч. 19-уй ёки тел.: 262-60-67.

Тошкент ш. Олмазор т. "Ягона дарча" марказида рўйхатдан ўтган "EXCLUSIVE SERVICE SYSTEM" МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МЧЖ шаклидаги "CAR LOGISTICS GROUP" хорижий корхонасининг устав фонди 25 937 786 710,89 сўмдан 19 239 484 671,56 сўмга камайтирилади. Маълумот учун тел.: (+99871) 289-45-55.

"YANINA EXCLUSIVE" ХКнинг (СТИР 304719209) барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўтган ҳолда "YANINA EXCLUSIVE" МЧЖга ўзгартирилади. Мурожаат учун манзил: Яккасарой т. Бобур кўч. 69-уй, 7-корпус, 83-хонадон. Тел.: 392-89-62.

"O'ZAVTOTRANSBUTLASH" МЧЖнинг (СТИР 201064057) устав фонди 1 797 557 727,05 сўмдан 1 791 270 928 сўм 95 тийинга камайтирилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Эмбўлар кўч. 42-уй.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎЙ томонидан рўйхатга олинган "GLOBAL KABEL" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхонага ўзгартиришини маълум қилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРЎйда рўйхатдан ўтган "ELEKTRJIHOZ NUR BARAKA" МЧЖга тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийси

**Валентин ЗИМИН**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

**Телефонлар:** Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.
**web sayt:** www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

**Вилоятлар:**

| | | |
|---|---|---|
| Андижон | – | (+99893) 630-73-03; |
| Бухоро | – | (+99891) 401-29-59; |
| Жиззах | – | (+99893) 940-10-78; |
| Навоий | – | (+99891) 332-50-99; |
| Наманган | – | (+99893) 948-53-86; |
| Фарғона | – | (+99890) 407-76-03; |
| Самарқанд | – | (+99893) 994-57-08; |
| Сирдарё | – | (+99894) 168-23-60; |
| Сурхондарё | – | (+99890) 644-44-11; |
| Тошкент | – | (+99890) 976-39-58; |
| Хоразм | – | (+99897) 790-47-61; |
| Қашқадарё | – | (+99891) 635-08-03. |

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

**21677** нусхада чоп этилди.
**НАШР ИНДЕКСИ – 144**
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **22.50**

ISSN 2010-7021

**Навбатчи муҳаррир:**
С.ЗИЁДУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:**
Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123456